

“Тасдиқлайман”
Қўқон шаҳар Ободонлаштириш
бошқармаси раҳбари


Л.Лхмедов

Қўқон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ УЧУН

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Қўқон шаҳар 2022 йил

Фарғона вилояти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2-февралдаги Автомобил йўллари соҳасида очиқлик стандартлаштиришни жорий этиш соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 49-сонли қарорига асосан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ички йўлларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун

ТЕХНИК ТОНШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумот
1	Махсулот ва хизмат номи	Қўқон шаҳар 63-Қудуқлик МФЙ си Қудуқлик 2-тор кўчасининг ички йўлларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш
2	Буюртмачи	Қўқон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси
3	Буюртма учун асос	Қўқон шаҳар ҳокимининг 25.05.2022й тасдиқланган манзилли рўйхатига асосан
4	Махсулот ва хизмат кўрсатиладиган манзил	Қўқон шаҳар 63-Қудуқлик МФЙ си Қудуқлик 2-тор кўчаси
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Танлов ҳужжатларида кўрсатилган иш ва хизматларни ўз вақтида ва сифатли бажариб бериш
6	Тижорат таклифлари тақдим этиш шартлари	Хизмат кўрсатувчи корхонанинг Низоми, гувоҳномаси, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида, қайси турдаги солиқ тўловчили эканлиги ҳақидаги гувоҳнома, ташкилотнинг балансида мавжуд машина механизмлар ҳамда моддий ресурсларнинг мавжудлиги, инженер ва техник ходимларнинг мавжудлиги тўғрисида ҳамда бажариладиган ишлар кафолати ва таклиф этилаётган хизматнинг қиймати
7	Бажариладиган ишлар ҳисоб китоби	Бажарилган ишлар бўйича ҳисоб китоблар тузилган ҳисоб варақ ва далолатномага мос равишда амалга оширилади
8	Иш ва хизмат тури	Қўқон шаҳар 63-Қудуқлик МФЙ си Қудуқлик 2-тор кўчаси ички йўлларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш
9	Ишни бажариш муддати	Шартнома имзоланган кундан олдиндан 30%лик тўлов амалга оширилади ҳамда хизмат тўлиқ бажарилиши билан 20 кун муддатда тўлиқ ҳисоб китоб ишлари амалга оширилади хизмат ҳужжатларини қабул қилиш далолатномасига асосан. Хизматларни бажариш муддати 20 кун
10	Техник ва меҳнат ҳавфсизлиги бўйича талаблар	Ишларни бажариш жараёнида меҳнат ва техника хавфсизлиги қоида ва талабларига тўлиқ риоя этиш
11	Молиялаштириш манбаси	Бюджет

Танлов хужжатларининг мазмуни Танлов иштирокчилари учун йўриқнома .

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016 сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. Танлов предмети ва қиймати.

1.1. Қўқон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси томонидан Фарғона вилояти Қўқон шаҳар “Менинг йўлим” ахборот портали орқали энг кўп овоз тўплаган Қўқон шаҳар 63-Қудуқлик МФЙ си Қудуқлик-2 тор кўчаларининг ички йўллари жорий таъмирлаш учун малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати: 369 375 000 (Уч юз олтинчи тўққиз миллион уч юз етмиш беш минг сўм.) Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифларлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолибчиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20(йигирма) кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати –буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. Танлов ташкилотчилари .

2.1. Қўқон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади. Почта манзили; Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Фазлий кўчаси №1 уй.томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссиси томонидан ўтказилади

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссиси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан тузилган ва берилган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қоунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

2.4. Танлов ташкилотчиларидан коррупция кўринишидаги ҳолатларга йўл қўймаслик талаб этилади.

3. Танлов ўтказиш тартиби.

3.1 Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:

- танлов шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов хужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш)

- танлов хужжатлари талабларига мувофиқ тендер таклифини тақдим этиш.

Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб таомилларида қатнашишдан четлантиради агар:

-тўғридан тўғри ёки билвосита миждознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки

ҳодимини ёки бошқа давлат органини ҳар қандай шаклда иш ҳақи, иш таклифи ёки бошқа ҳар

қандай қимматбаҳо нарсалар ёки хизматларни таклиф қилиш, бериш ёки беришга рози бўлиш,

давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай ҳаракаларини амалга ошириш, қарор

қабул қилиш ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаш.

Иштирокчи қонуни бузган ҳолда адолатсиз рақобат устуниги ёки манфаатлар тўқнашувига эга.

4. Танлов иштирокчилари.

4.1. Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисосланган, камида 3 йил тажрибага эга барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

4.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Танлов предмети қийматининг камида 20% миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси;

- Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик –муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

- Низом маблағи миқдори

4.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматларни) бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат берилади. Иштирокчилар ўзларининг ташкилотлари ёки фирмаларига таалуқли давлат рўйхатидан ўтказилиб тасдиқланган лицензия, гувоҳнома, ва бошқа зарурий ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

4.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

- Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий – ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

-Буюртмачи билан суд ёки арбитаж ҳолатида бўлиш;

-ягона реестрда виждонсиз ижрочилар

-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ёки молиявий операцияларни (offshore zonalari) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган штатларда ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлганлар

4.5. Танлов иштирокчилари талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов иштирокчисишга) тақдим этилиши ҳақида ёзма мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

4.6. Иштирокчилар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашини тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмаслик, коррупция кўринишидаги ҳолатларга йўл қўймаслик тўғрисида ариза тақдим этишлари талаб этилади.

5. Танлов тили, ўлчов бирлиги.

5.1. Танлов таклифи иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек тилида бўлиши керак. Танлов таклифи ўзбек тилига аниқ илова қилинган ҳолда бўлиши керак.

6. Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби

6.1. Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари танлов эълонида кўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

6.2. Рақобатчи: тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақийқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;

6.3. Тендер таклифи икки қисмдан иборат.

- нарх қисми танлов шартларига мос келиши ва қуйидаги маълумотарни ўз ичига олиши керак.

-маҳсулот номи, хизматларнинг қиймати, умумий миқдори, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва бошқалар.

6.4. Шунингдек, иштирокчи таклифини шу жумладан барча танлов ҳужжатларини тайёрлаши керак уларни сканерлаштирилган электрон шаклда махсус e tender.uzex.uz. порталига раҳбарнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда жойлаштириши керак.

6.5. Тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилади.

6.6 Техник таклиф қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши керак:

-техник ҳужжатлар рўйхати (техник маълумотлар варақалари, фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқалар ёки тақдим этилаётган хизматларнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар)

6.7. Ушбу танловга илова қилинган нарх таклифининг мажбурий ҳужжатлари мавжудлигига қўйиладиган талаблар.

6.8. Комиссия фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

7. Таклифлар бўйича танлов тартиби улрни баҳолаш тартиби ва мезонлари.

7.1 Эълонда танлов ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган таклифларни баҳолаш бўйича танлов комиссияси

7.2. таклифларни кўриб чиқишда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда танлов комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун рад этишга ҳақлидирлар.

- 7.3. Танлов комиссияси танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга қараб баҳолайди.
- 7.4. Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотлар аниқланган тақдирда танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда қатнашишдан четлаштиришга ҳақли.
- 7.5. Таклиф қонун, меъёрий ҳужжатлар ва танлов ҳужжатлари талабларига мос равишда бўлишлари мумкин, белгиланган тартибда ишлари мумкин.
- 7.6. Танлов комиссияси агар уни тақдим этган танлов иштирокчиси қонунда ва қарор қабул қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки танлов иштирокчиларининг таклифи бўйича танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса таклифни рад этади.
- 7.7. Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура белгиланган тартибда расмий равишда, ёзма равишда, танлов ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.
- 7.8. Танлов ҳужжатлари ва таклифда кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган тендер иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

8. Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги махфийлик.

- 8.1. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга тегишли кирувчи таклифлар ёзувларини юритадиган ва уларнинг хавфсизлигини ва махфийлигини таъминлайдиган комиссия аъзолари комиссия раиси ва аъзоари шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари маълумотларни ошкор қилиш иштирокчилар комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга рухсат бериш шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.

Қўқон шаҳар Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи



А.Ахмедов

А.Ахмедов